



ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАР ЎЗБЕК ТИЛИ СОДДА ГАПЛАРИ СТРУКТУРАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ГАРОВИ

Lobar Allambergenova,

*Ajiniyoz nomidagi Nukus DPI O'zbek tili va
adabiyoti yo'nalishi 1-kurs talabasi*

Annotatsiya: Маълумки, XX аср ўзбек тили тараққиётида, унинг тарихий қисматида буюк ўзгаришлар, янгиланишлар вужудга келтирган давр сифатида ўзининг сезиларли изларини қолдирган. Бир томондан, ўзбек тилида илгари бу даражада мавжуд бўлмаган оммавий ахборот воситаларнинг, матбуот нашрларининг илмий-техник, маориф, фан тармоқлари шаклларининг пайдо бўлиши ва иккинчидан, мазкур соҳаларга оид илмий-техник, лингвистик атамаларнинг юзага келиши, учинчидан, рус тили ва у орқали бошқа қардош ва қардош бўлмаган тиллар тузилишига хос бўлган воситаларнинг ўзбек тилига таъсир қилиши натижасида унда янги структурал янгиланишлар ҳосил қилди, булар бевосита тил тараққиётига экстравалингвистик омиллар таъсирида юзага келган янгиланишлар сифатида таркиб топди.

Kalit so'zlar: интонация, гаплар қурилиши, Ўзбек тили, Сўроқ юкламалари.

Тил эволюцион тараққиёти давомида лингвистик ва экстравалингвистик омиллар таъсири унинг ҳар хил босқичларида катта структурал ўзгаришларни содир қилишга қодирдир. Айниқса, бу жабҳада экстравалингвистик омиллар роли ниҳоятда сезиларли бўлиб, у тил тараққиётининг асосий ричагига айланиши мумкин. Буни ўзбек тилининг XX асрдаги тараққиёти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, XX аср ўзбек тили тараққиётида, унинг тарихий қисматида буюк ўзгаришлар, янгиланишлар вужудга келтирган давр сифатида ўзининг сезиларли изларини қолдирган. Бир томондан, ўзбек тилида илгари бу даражада мавжуд бўлмаган оммавий ахборот воситаларнинг, матбуот нашрларининг илмий-техник, маориф, фан тармоқлари шаклларининг пайдо бўлиши ва иккинчидан, мазкур соҳаларга оид илмий-техник, лингвистик атамаларнинг юзага келиши, учинчидан, рус тили ва у орқали бошқа қардош ва қардош бўлмаган тиллар тузилишига хос бўлган воситаларнинг ўзбек тилига таъсир қилиши натижасида унда янги структурал янгиланишлар ҳосил қилди, булар бевосита тил тараққиётига экстравалингвистик омиллар таъсирида юзага келган янгиланишлар сифатида таркиб топди. Бундай ўзгаришлар ўзбек тилининг бошқа босқичларида бўлгани каби унинг содда гаплари структурасида ҳам юз бердики, булар содда гапларнинг қўйидаги турларида ўз ифодасини топди:



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 6



1. Ўзбек тили тарихида содда гаплар ҳар хил турларининг фаол қўлланилиши одатий ҳолдир. Аммо улар турларииинг структурал қўлланилиши XX аср даврига келиб қатор янгиланишлар касб этди.

2. Дарак гаплар қурилишида инкор ва тасдиқнинг интонация воситасида ифодаланиши ўзбек тили тарихида учрамайди. XX асрга келиб тасдиқ ва инкорнинг ҳар хил лисоний шакллари юзага келдики, булар бевосита жамиятда юз берган ўзгаришлар билан боғликдир. Бугунги кунда ўзбек тилидаги ёзма манбаларда бадиий наср ва драматургияда тасдиқ ёки инкорнинг интонация ёрдамида ифода этилишига кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Бунда тасдиқ шаклидаги гап инкор мазмунини ва, аксинча, инкор шаклидаги гап тасдиқ мазмунини англатиши мумкин. Масалан; Укангиз эшитмай қўя қолсинлар,— ойим яна илинди, — Топилиб қолар. — Гўрни топилади! (Ў.Хошимов. “Дунёнинг ишлари”). Бу гапдаги Гўрни топилади! Тасдиқ гапи топилмайди маъносини экспрессия йўли билан ифода этмоқда. Бундай гапларнинг ҳар хил типлари қўйидагича шаклларда учрайди:

а) Бундай гаплар кесими “иб равишдоши + бўпти» шаклида бўлади: Таҳдид солиб бўпти (А.Мухтор). Мен сени уйдан чиқариб бўпман (Ш.Юлдузи).

б) Бундай гаплар кесими икки марта такрорланиб келиши ва орасида - а, -я юкламаси ҳам қўлланилиши мумкин: Бер қаламни! Бераман-а, бераман! (Ўқиш китоби. 2 синф).

в) Бундай гаплар кесими “III шахс буйруқ феъли + чи юкламаси” шаклида бўлиши мумкин:

Пулдор одам Москвагача, Варшавага боради.

Пулсиз одам бир қадам силжисин-чи! (Ойбек, “Қутлуғ қон”)

г) Бундай гаплар кесими “шарт феъли + чи юкламаси “шаклида бўлади: Ҳарчанд уринаман, ўрнидан қўзғалса-чи! (Ойбек. “Қутлуғ қон”). Мазкур тузилишдаги гаплар таркибида қани, қани энди, қанийди сўзлари ҳам қўлланилади: Қани энди гап уқтириб бўлса (А.Каҳхор).

д) Бундай гаплар таркибида ол феъли ҳам қўлланилади. Бунда бу феъл феъллик хусусиятини йўқотиб, ундов сўз вазифасига ҳам кўчади, ва эмоционал-экспрессив маъно ифодалайди. Оласан-а беради. Кўриниб турибдики, юқоридаги гаплардаги барчаси ҳам тасдиқ шаклида бўлса ҳам, инкорни ифода этади. Ҳозирги пайтда тасдиқ ва инкорни ифода этувчи гапларнинг қиска



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 6



шакллари хам фаол қўлланилмокда. Ўзбек тили тарихида бундай шаклларнинг қўланиши учраши кузатипмайди: Масалан, Поезд келдими? Ҳа. (С.Аҳмад). Иш буюрсангиз қиласидими? Йўқ. Ўзбек тилида инкор шакли ва инкор юкламаси воситасида ҳам ифодаланади. Бу юклама уюшиқ бўлаклар олдида қўлланилади. Аҳмад на кечаси, на кундузи тиниб-тинчимайди (О.Ёкубов). На ерда, на кўкда тинчлик бор (Н.Сафаров). А.Матғозиевнинг таъкидлашича на юкламаси эски ўзбек тилида уюшиқ бўлакларда фақат биринчи уюшиқ бўлак олдида гина қўлланилади. [1] Биз тупроқдан халқ бўлибдурмиз. на олтундин (Туркистон вилояти газетаси).

XX аср ўзбек бадиий адабиёти ва оммавий услубида инкор ва тасдиқни ифодаловчи “Нафақат А, балки Б, типидаги тузилмалар учрамокда (А.Нурманов). Нафақат сўз унинг эрон тилларида мавжудлигини бу макет эрон тиллари таъсирида юзага келганигини қайд қиласиди.[2]

А.Нурманов фикрининг тўғрилнгани тасдиқлаган ҳолда, бу тузилма жонли халқ тилидан, аниқроғи, Самарқанд-Бухоро шеваларида адабий тилга ўзлашган, дейилса туғрирок бўлади. XX асрда жамиятдаги ўзгаришлар ва мафкура тазиқи таъсирида янгича иборалар, шиорларнинг ва чақириқлариинг ўзига хос намуналари пайдо бўлиб, у аввало рус тили заминида янгича тил қурилмаларини конструкцияларини пайдо этди. Уларни кундалик матбуотга айнан таржима қилиш оқибатида янгича ўбекча иборалар конструкциялар юзага келдики, натижада ўзбек тилида илгарн учрамаган конструкцияларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Маълумки, эски ўзбек тилида от кесимнинг ўрин ва чиқиши келишигида келиши одатий ҳол ҳисобланган: Бу тайоқ Мусонинг турур (“Тафсур” 28-б). Ўғлон кимнинг турур? Айди: Иброҳимнинг (Рабғўзий, 31-6). Бу матла анингдур (А.Навоий). Соҳиби девон эрди, шеъри Ёмон эмас эди, бу байт анингдурким (Бобурнома. 35-бет) кабиларда. Лекин шуни қайд қилиш керакки, XX асрда кесимнинг бошқа келишиклар шаклларида келиш ҳоллари ҳам юзага келдики, булар ўзбек тили синтаксисида янги ҳодиса сифатида кузатилади ва бу тилнинг жамиятга ва ундаги хукмрон мафкура талаблари асосида тарақкий қилиши тарзида қўзга ташланади. Яъни, бунда экстралингвистик омиллар етакчи ролни бажаради. Хусусан, бу содда гап кесимининг жўналиш келишиги шаклида келиш ҳолларида кўзга ташланадиган, натижада бундай



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 6



конструкциялар XX асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб вақтли матбуотда кенг қўлланила бошлади ва бу синтактик қурилишда янги ҳодиса сифатида қўзга ташланади. Масалан: Зафарларимиз-пойтахт юбилсийига (Тошкент оқшоми). Илҳом- бахш меҳнатимиз сенга – она – Ватан. Савзавот-ҳам қишлокларимиз дастурхонига. Пахта-Ватанга (Тошкент оқшоми). Фан ютуқлари халқ хўжалигига (Тошкент оқшоми). Бундай конструкциялар ўзбек тили тарихида, ёзма манбаларда учрамайди. Улар замона зайлар билан пайдо бўлган лисоний восигалардир. Сўроқ гаплар соҳасида ҳам экстралингвистик оқибатлар таъсирида бир мунча ўзгаришлар содир бўлди. Маълумки, ҳозирги ўзбек тилида сўроқ гаплар учта восита ёрдамида ҳосил қилинади: 1) Сўроқ олмошлари; 2) Сўроқ юкламалари; 3) Махсус сўроқ интонацияси ёрдамида. Бу воситаларнинг иккитаси – сўроқ олмошлари ва сўроқ юкламалари ёрдамида сўроқ гапларнинг ҳосил қилиниши эски ўзбек тили манбаларида ҳам учрайди. Махсус сўроқ интонацияси воситасида сўроқ гаплар ҳосил қилиниши эски ўзбек тилида учрамайди. Туркий тилларда, шу жумладан. ўзбек тилида сўроқ гапларнинг махсус сўроқ интонацияси воситасида ҳосил қилиниши ҳақида туркологик адабиётларда ҳеч қандай фикр учрамайди. Баъзи адабиётларда бундай йўл билан сўроқ гаплар ҳосил қилиниши ҳатто инкор қилинади. [3] Ўтган асрнинг 20-йиллари бошида чиққаан Фитратнинг “Навҳ” асарида ҳам сўроқ гапларнинг махсус интонация ёрдамида ҳосил бўлиши ҳақида ҳеч қандай фикр йўқ. [4]. Фақат 1936-йилда нашр қилиган А.Сайд ва А.Йўлдошевнинг “Грамматика” қисм. “Навҳ” китбидаги сўроқ гапларнинг махсус интонация орқали ҳосил бўлиши мумкинлиги ҳақида қисқа фикр билдирилган. [5]. Махсус интонацияли сўроқ гаплар ўзбек тилида азалдан мавжуд, фақат унинг матнларда қўллана бошлаганлиги XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади. У ҳам фақат бадиий асарларнинг диалогик нутқларида қўзга ташланади. Уларнинг бир неча кўринишлари мавжуд.

1. Сўроқ олмошлари тушириб қолдирилган махсус интонацияли сўроқ гаплар – Песни-пес қоронғида топган экан, учинчиси? – Отабекнинг қули Ҳасанали.

Туртинчиси? Ҳомид бироз уйланиб жавоб берди (А.Қодирий. “Ўтган кунлар”).

– Сиз кимлари? – Мен ... қизлари



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES

International scientific journal

Volume: 2 Issue: 6



- Кўп яшанг, исмингиз? – Раъно (А.Қодирий. “Мехробдан чаён”)
- 2. Дедингми, дейсанми, деяпсанми сўзларнинг тушириб қолдирилиши эвазига ҳосил қилинган сўроқ гаплар.
- Пул топилади.
- Пул топилади?! – деб кулди Раҳим (А.Қодирий. “Мехробдан чаён”).
- Ифлос иш. Агар бошқа қасб топсанг, ўрдани бутунлай ташлаб кетар эдим.
- Ифлос иш?... Сизнинг бек поччангиз ҳам шу хизматни қилар эдику? (Мехробдан чаён).
- 3. – ми юкламасининг айтилмай қолиши оқибатида ҳосил бўлган сўроқ гаплар. Аммо бояги яrim жиддий вазиятни бузмай сўради:
- Зайнабнинг сўзига ишондингиз?
- Ишонмайдиган гапми? (Ўтган кунлар).
- 4. Бирор иш-ҳаракатнинг сабабини аниқлашга қаратилган сўроқ гаплар. Уйдагилар яхшими? Қишлоққа келмай қўйдингиз? (Ўзбекистан. 1964.9-сон). Кечга қолдингиз? Қиёслант нега кечга қолдингиз?
- 5. Таркибида демак, шундай қилиб, бундан чиқдики сўzlари қатнашган сўроқ гаплар. Демак, Мирзабошлиқни қабул қилмайсиз? Шундай қилиб. Мирза Анварни қиз билан қочирдингиз? (Мехробдан чаён).
- 6. Махсус интонацияли сўроқ гаплар ўзбек тилида эллипс сабабли юзага келади.
- Ёнингизда кишиларингиз бор эдими? – Йўқ.
- Уч душманга қарши ёлғиз ўзингиз? (Ўтган кунлар) – Мирзабошининг миси чиқиб қолди-ку! – Хўш, хўш? (Мехробдан чаён). Буйруқ гаплар тизимида учрайдиган ўзгаришпар уларнинг баъзи структурал типларида учрайди. Кўпгина буйруқ гаплар ҳосил қилувчи воситалар $(-a)y$, $-a(yi)$, $-(a)$ йлик, -ли, -йли, -али, - (a) йник, - гил (қил, гил), - (и)нг, - (и)нгиз, - син,- ги) эски ўзбек тилида ҳам, ҳозирги ўзбек тилида ҳам учрайди. Фақат улар баъзи семантик ўзгаришлар Билан қўлланилади. XX асрда рус тили ва матбуоти таъсирида ўзбек тилида ҳам эллиптик шаклдаги янги конструктуралар пайдо бўлди. Уларнинг баъзилари жонли сўзлашув тили, баъзилари рус тилидаги конструкцияларни айнан таржима қилиш натижасида пайдо бўлган конструкциялардир. Улар қуидаги шаклларда учрайди: 1) Жонли сўзлашув тили таъсирида пайдо бўлган эллиптик шаклларнинг кўпи отлар билан



ANALYSIS OF INTERNATIONAL SCIENCES
International scientific journal

Volume: 2 Issue: 6



ифодаланади: а) бош келишик- шаклидаги от билан (Мастон. чилим. Дарров бита чой (Ойбек);

б) жўналиш келишигидаги от билан (Майор буюрди: – самолётларга (Т.);

в) чиқиш келишиги билан (Ҳама менинг орқамдан), у равишилар билан (Ётқизинг: уни ишларимдан хабардор қилинг – Тез (А.Мухтор) ифодаланади.

2. XX асрда матбуотда рус тилидаги иборалар таъсирида пайдо бўлган буйруқ гаплар қўйидаги тузилишларда учрайди: а) жўналиш келишигидаги от+бош келишигидаги от: Жаҳонга Тинчлик! (С.У). Оналарга шон-шарафлар! (Тошкент оқшоми). б) бош келишигидаги от+жўналиш келишигидаги от: ҳамма- пахта теримиға! Ҳамма – сайловга! в) от+учун: ҳама учун, Ватан учун олға! 3) Хозирги ўзбек тилида сўз ҳолидаги буйруқ гаплар ҳам кўп ишлатилади. Уларга жим, ма, бас, марш, тсс каби сўзлар билан ифодалангандар буйруқ гаплар киради: Жим, ўртоқлар, жим! деп ғала-ғовирни босишга ҳаракат килди. Жамила. Бас, бас! (Х.Х). Бўлди, – деди домла (С.Айний).

Юкорида кўрсатилган гаплар функционал шаклларига хос конструкциялар жамият тараққиёти сабабли, ҳаёт талаби билан пайдо бўлган конструкциялар бўлиб. улар XX аср ўзбек тилида пайдо бўлган янги ситакгик тузилмшиардир.

Адабиётлар:

1. А.Матғозиев. XIX аср ўзбек тили морфологияси. – Тошкент: Фан, 1977.
2. А.Н.Нурманов. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. –Ташкент, 1982.
3. Голубева Н.П. Синтаксические связи переходного турецкого глагола. АИД. – М., 1974
4. Фитрат. Нахв, 1924
5. Сайд Н. ва Йўлдошев А. Грамматика. 1-қисм. Нахв. –Тошкент, 1936

